



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқаро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳада давлат сиёсатини самарали олиб боришга ва мамлакатнинг мавжуд спорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

**биринчидан**, айниқса, жойларда жисмоний тарбия ва спорт бошқарувининг самарали яхлит тизими мавжуд эмаслиги ушбу соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштириши, соғлом турмуш тарзини оммалаштириши ва тарғиб қилиши таъминламаяпти;

**иккинчидан**, мамлакатимизда ҳам оммавий спорт, ҳам олий спорт ютуқлари соҳасида аниқ вазибалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгиланган ҳолда, ўрта муқддатли ва узоқ муқддатли истиқболда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилмаган;

**учинчидан**, давлат-хусусий шериклик шартларида спортнинг замонавий моддий-техника базаси ва инфратузилмасини яратиш бўйича нодавлат сектор билан ўзаро муносабатларнинг лас даражада эканлиги ушбу соҳада мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга имкон бермаяпти;

**тўртинчидан**, жойларда ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш (селекция)нинг самарали ва шафқат тизими мавжуд эмаслиги терма жамоалар таркибининг сифатли тўлдириш учун спорт захирасини шакллантириш ва юқори малакали спортчиларни тайёрлашни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда;

**бешинчидан**, спорт кадрларини, айниқса, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконини бермаяпти;

**олтинчидан**, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини қўллаб-қувватлашнинг фақат алоҳида спорт турларини ривожлантиришга йўналтирилган, нооқилона тизими бошқа олимпиада спорт турларини, энг аввало, спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаслигига олиб келган;

**еттинчидан**, спортчиларни тайёрлаш ва улар табиий таъминотининг инновацион тадқиқотлари ва услубий ишланмалари, замонавий талабларга жавоб берадиган стандартларнинг мавжуд эмаслиги сифатли ўқув-масъул жараёнининг йўлга қўйилишини таъминламаяпти;

**саккинчидан**, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган молиявий маблағлар сарфлашининг асослиги ва ҳаққонлиги устидан назоратнинг, энг аввало, ички назоратнинг молиявий маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган ва ушбу соҳада суиистеъмолчиликларни бартараф этишга қаратилган самарали механизми шакллантирилмаган;

**тўқтинчидан**, халқаро стандартларга жавоб берадиган сифатли маҳаллий спорт асбоб-ускуналарини ва инвентарларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган, шунингдек, бундай ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан механизми назарда тутилмаган.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазибаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, спорт федерациялари (ассоциациялари)нинг:

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизда **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт**

**вазирлигини** (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади) ташкил этиш;

Вазирлиқнинг марказий аппарати тузилмасида спорт фаолиятини ташкил қилишда асослилик, объективлик ва шафқатлиликни таъминлашга, шу жумладан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ажратилган давлат молиявий маблағларидан оқилона фойдаланишни таҳлил қилиш, аҳолининг спорт хизматларидан қониқиб даражаси ва спорт хизматларидан фойдалана олиш шарт-шароитларини баҳолаш, шунингдек, коррупция ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолатларини аниқлаш учун масъул бўлган **Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мониторинг бошқармасини** ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари негизда **Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

беvosита Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларига бўйсинадиган ва Жамғарма ҳисобидан молиялаштирилган **туманлар (шаҳарлар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларини** ташкил қилиш; Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги **Жисмоний тарбия ва спорт бўлими мутахассислари илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини** (кейинги ўринларда — Марказ) Вазирлик тасарруфига бериш, уни Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кўча Дарвоза кўчаси, 27-уй манзилда жойлаштириш, Нукус, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида унинг филиалларини ташкил қилиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти негизда **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетини** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш;

жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб қилган ҳолда спорт кийими, анжонлари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналар фаолиятини ташкил этиш учун пойтахт минтақасида **«Спорт» эркин иқтисодий зонасини** ташкил қилиш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммалаштиришда, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидида нуфузини оширишда алоҳида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимлари ҳамда бошқа шахсларни тақдирлаш мақсадида **«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ва спорт ходими»** фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Вазирлиқнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳоратини соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонидида муносиб иштирок этишни таъминлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

вазирликлар ва идоралар жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хуна таълими ва олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари ва инструкторлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг қўллаб-қувватлаш ташкил қилиш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда болалар спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишни таъминлаш учун истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибининг шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

мамлакатимизда профессионал, оммавий спортни, шу жумладан спорт ўйинлари ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорт ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналарини ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича тақлифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга қўллаб-қувватлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

3. Белгилансинки: Университет жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий ва ўқувчи кадрлар тайёрлаш, шунингдек, соҳа мутахассисларини ўқитиш ҳамда тайёрлашнинг илғор усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича республиканинг базавий олий таълим, илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий муассасаси ҳисобланади;

Марказ мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструкторлари), кафедра мудирилари, таълим муассасалари ва спорт ташкилотлари тренерлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги бошқа мутахассисларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни амалга оширади.

4. Қуйидагилар оммавий спортни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни саралаш (селекция) соҳасида таълим муассасаларининг устувор йўналишлари этиб белгилансин: **мактабгача таълим муассасаларида** — бошланғич гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар бўйича машғулотлар олиб бориш орқали жисмоний ривожлантириш ҳамда саломатликни мустаҳкамлаш учун тарбияланувчиларда жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига қизиқишни шакллантириш;

**умумтаълим мактабларида** — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий спорт мусобақаларида иштирок этиш учун синфдан ташқари спорт тўғрақлари ва секциялари машғулотларини ташкил этиш (хафтасига камида 4 соатдан);

**ўрта махсус, касб-хуна таълим муассасаларида** — ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчилари ва спорт тури бўйича тренерларни жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик минтақавий ҳамда республика спорт мусобақаларида иштирок этиш учун олимпия ва миллий спорт турлари бўйича синфдан ташқари спорт тўғрақлари ҳамда секциялари машғулотларини ташкил этиш (хафтасига камида 6 соатдан);

► Давоми 2-бетда.

## «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан Марказий Осиё давлатлари билан амалий, ўзаро манфаатли ва яхши қўшнилик муносабатларини шакллантириш, минтақада хавфсизликни таъминлашни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилади.

Ўзбекистон раҳбари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни қарашларини 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида батафсил баён қилди. Сўнг ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келахак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги конференцияда давлатимиз раҳбари Марказий Осиё, жумладан, Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларнинг кенг қамровли дастурини тақлиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқларидаги дастурий низомлар, унинг Марказий Осиё ва Афғонистондаги жорий вазият, ривожланиш истиқболларига берган баҳоси халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Евроосиёнинг «юраги»да жойлашган Марказий Осиё Европа ва Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприқдир».

Минтақамиз табиий ресурсларга бой, бу ерда кўплаб мамлакатлар ва бутун минтақалар ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт салоҳияти мавжуд.

Шу билан бирга, Шавкат Мирзиёевнинг фикрича, Марказий Осиёда жаҳоннинг қудратли давлатларининг манфаатлари кесишмоқда, беқарорлик ва қарама-қаршилик ўчоқларига туташ бўлган ушбу минтақа ақин ва узоқ хорижда рўй бераётган барча салбий жараёнлар таъсирини ҳис этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти адолатли саволларни ўртага ташлади: минтақада вазият қандай ривожланади? Бу ерда қандай сценарий устун келади — низо ва қарама-қаршиликларми ёки ҳамкорлик ва тараққиётми?

Бу саволга жавоб равшан — энг аввало, барчаси Марказий Осиё давлатлари минтақанинг умумий келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга нечоғли тайёрлигига боғлиқ.

► Давоми 2-бетда.

## 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

# Энг фаол аёллар аниқланди

2-3 март кунлари пойтахтимизда «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг якуний bosқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар bosқичларида голиб бўлган 14 нафар иштирокчи билимларини синондан ўтказди.



«Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир», «Сийсий хозиржавоблик» ва лойиҳа тақдими шартлари асосида голиблар аниқланди ҳамда тантанали равишда тақдирланди.

Яқуний натижаларга кўра, **бухоролик Гулзира Холбоева Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг энг фаол аёли, деб топилди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳридан Нодира Сайдуллаевага насиб этган бўлса, жиззахлик Мукаррам Инамова учинчи ўринни эгаллади.**

Қолган иштирокчилар «Энг яхши

ижтимоий лойиҳа», «Энг илғор тарғиботчи аёл», «Муътабар ва оқила аёл», «Энг изланувчан ва интилуван аёл», «Энг ташаббускор аёл» каби номинациялар бўйича тақдирланди.

Газетамизнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган сонда танловнинг республика bosқичида қатнашган барча иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА

олий таълим муассасаларида — истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамоалари ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш мақсадида кейинчалик республика ва халқаро спорт мусобақаларида олимпия ва миллий спорт турлари бўйича талабалар спорт клублари ҳамда жамоаларини ташкил этиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси ва кафедра мудири лавозимларига халқаро даражадаги спорт мусобақалари голиблари тайинланиши мумкин;

давлат мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктори) лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (кафедра мудири) лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари (кафедра мудири) лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш Вазирлик билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазири томонидан амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчиси (инструктор ва кафедра мудири)нинг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ўқувчи (талаба)ларини жисмоний ва касбий тайёргарлиги ҳамда улар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаш (селекция)да, энг аввало, эришилган аниқ натижаларни ҳисобга олган рейтинг тизими асосида амалга оширилади;

жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор ва кафедра мудири)нинг моддий рағбатлантириш улар фаолиятининг шахсий кўрсаткичларини рейтинг тизимида баҳолашга асосан амалга оширилади;

туман (шаҳар) спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тadbирларининг ягона календарь режалари тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади;

умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари ўртасида ўтказиладиган спорт ва оммавий-жисмоний тарбия тadbирларини ҳамда иштирокчиларни кийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлилиги бўйича «Ёшлик», «Баркамол авлод» ва «Талаба» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгиланган кўйилсинки: Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси олимпия спорт турлари бўйича спортчилар, тренерлар ва бошқа спорт мутахассисларини тайёрлаш ҳамда олимпия спорт турларини ривожлантириш қисми бўйича жисмоний тарбия ва спорт субъектлари, шу жумладан Вазирликнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Вазирликнинг олимпия спорт турларини ривожлантиришга масъул бўлинмалари раҳбарлигига номзодлар Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси раиси билан мажбурий равишда келишилади;

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси вакиллари олимпия захиралари махсус мактаб-интернатлари раҳбарларини танлаш, тайинлаш ва аттестация қилишда, мазкур мактабларга йўналишлар бўйича қабул қилиш квоталарини келишишда ҳамда спортчиларни халқаро спорт мусобақаларига юборишда иштирок этади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш доирасида спорт федерация (ассоциация)лари учун ажратиладиган ҳомийлик маблағлари Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида жамланади ҳамда спорт федерация (ассоциация)лари фаолиятини мақсадли молиялаштиришга, шу жумладан етук хорижий спортчи ва тренерларни жалб қилиш учун сарфланади;

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси Вазирлик билан ҳамкорликда юқори малакали хорижий спортчи, тренер ва бошқа мутахассисларни олимпия тайёрлаш марказлари, спорт федерация (ассоциация)лари ва бошқа спорт ташкилотларининг ўқув-масгулот жараёнларига кенг жалб қилишни таъминлайди.

7. Қуйидагилар ташкил этилсин: Самарқанд вилояти Самарқанд туманида универсал олимпия тайёргарлиги ва халқаро мусобақалар ўтказиш маркази;

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Азия-Чимган» меҳмонхонаси негизда миллий терма жамоалар учун универсал олимпия тайёргарлиги маркази;

Жиззах вилояти Зомин туманида «Алоқачи» соғломлаштириш оромгоҳи негизида гимнастика

спорт тури бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Наманган вилояти Чортоқ туманида сержантлар тайёрлаш мактаби негизида спорт ўйинлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази;

Қашқадарё вилояти Шахрисабз туманида «Гулнора» соғломлаштириш оромгоҳи негизида спорт яккакурашлари бўйича олимпия тайёргарлиги маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ташкил этиладиган марказлар тасарруфида бўлган вазирилик ва идоралар билан ҳамкорликда ушбу объектларни барча бино ва иншоот мажмуалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия кўмитаси тасарруфида беғараз ўтказилишини таъминласин.

8. Белгиланган кўйилсинки: жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, шунингдек, таълим муассасалари ва спорт ташкилотларида меҳнат қилаётган спорт фахрийларига фаолиятнинг бошқа ҳақ тўланадиган турлари билан шуғулланмаслик шарти билан пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ҳамда олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича жаҳон чемпионатлари совриндор спортчилари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик (ассоциациялари) тавсияномаларига асосан тренерлик фаолияти бўйича соддалаштирилган тартибда аттестациядан ўтиб, спорт мактабларида тренер сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишига ҳақли;

спорт ташкилотлари (идоралари) раҳбарлиги лавозимига аввал шуғулланган профессионал фаолият туридан қатъи назар, олий маълумотли ҳамда бошқарув соҳасида амалий кўникмага эга бўлган шахслар тайинланиши мумкин;

тренерлик фаолияти билан шуғулланиш учун рухсатнома мuddати тугаган тренерлар кўпи билан тўрт ой мuddатдан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда янги рухсатнома олинишига қадар меҳнат фаолиятини давом эттиришига ҳақли.

9. Олимпия спорт турларини 2018-2021 йилларда кейинчалик ривожлантириш ва оммалаштириш комплекс чора-тадбирлари дастури иловага мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда назарда тутилган тadbирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш учун вазирилик, муассаса ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги белгилансин.

10. Вазирлик: икки ой мuddатда жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудири) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2018 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни узок мuddатли истиқболга ривожлантириш концепцияси лойиҳасини халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқсин ва киритсин;

уч ой мuddатда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактабларнинг ишлаш тартибини ташкил этиш тизимини танқидий жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва натижаси бўйича уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш, ташкилий-штат тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш тизимини тартибга солиш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилик билан ҳамкорликда уч ой мuddатда спортчилар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, йўриқчилари ҳақидаги маълумотларни ҳамда таълим муассасаларида спорт турлари бўйича имтиҳон қилиш тизими таҳлиллари натижаларини ўз ичига олган Ягона ахборот тизими яратилишини таъминласин;

уч ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирилик билан ҳамкорликда олимпия спорт турлари бўйича мусобақалар ва ўқув тайёргарлик машқлари доирасида спортчиларни тиббий таъминлашни ташкил этиш ва кузатиб бориш тартибини, шу жумладан спорт тиббиёт муассасалари тармоқларини яратишни ўз ичига олган ҳолда, тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

уч ой мuddатда Халқ таълими вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ва Молия вазирилик билан ҳамкорликда таълим муассасалари қоидада спорт клубларини ташкил этиш, фаолият олиб бориш ҳамда молиялаштирилиши тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси билан ҳамкорликда 2018 йил 1 июнга қадар спортнинг қишқи ва ўйин турларининг ривожланиши ва оммалаштириш амалдаги ҳолатини ҳар томонлама ва танқидий таҳлилин ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида спортнинг қишқи ва ўйин турларини янада ривожланиши юзасидан тақлифлар тайёрласин;

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси билан ҳамкорликда республика олимпия захиралари мактаб-интернатлари қошида олимпия захиралари марказларини ташкил этиш тақлифини киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

бир ой мuddатда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарори қабул қилинсин;

икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Низомини тасдиқлаш, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари контингентини тўлиқ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини қамраб олган ҳолда уларнинг ташкилий-штат тузилмаси тасдиқлансин;

икки ой мuddатда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги барча турдаги таълим муассасаларида таълим стандартлари қайта кўриб чиқилсин, таълимнинг ҳар бир босқичида умумий таълим юкласидан ошмаган ҳолда, дарс соатларини ошириш ёрдамида, спорт тармоқлари бўйича баҳолаш тизимини жорий қилиш, натижаларни тизимли таҳлил қилиш ишлари олиб борилсин;

икки ой мuddатда қурилиш-монтаж ишлари, замонавий спорт жиҳозлари, техникаси ва инвентарлар билан таъминлаш, зулуксиз ўқув-машгулот жараёни ва спортчилар, тренер ҳамда бошқа мутахассис ва ишчилар яшаши учун шароит яратишни инobatга олган ҳолда олимпия тайёргарлик марказлари фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги ҳукумат қарори қабул қилинсин;

уч ой мuddатда олимпия захиралари мактаб-интернатлари қабул квоталарини спорт турлари бўйича энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда керакли бўлган самарали таълим тизими ташкил этилсин;

уч ой мuddатда тренерлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича аттестациядан ўтиш ва рухсатнома олиш тартибини соддалаштиришга йўналтирилган ҳукумат қарори қабул қилинсин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар спорт инфратузилмасини ташкил этиш ва тизимли тарзда ишчиларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш амалиётини жорий этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси икки ой мuddатда Мудофаа вазириликнинг спорт клуби, «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш ва касаба уюмлари федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамиятини тиклаш, шунингдек, идоровий спорт базаларини модернизация қилиш, улар қошида ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш учун барчанинг шуғулланишига имкони бўлган секция ва тўғрақлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгилансин.

14. Вазирлик ҳамда Адлия вазирилик бошқа манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4956-сон Фармони биринчи банди учинчи хатбоши ва учинчи банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазириликнинг ўринбосари К.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С.Қосимов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 5 март

«Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси

Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшнилик ҳудудида айлинишидан беvosита манфаатдор.

Давлатимиз раҳбари бир неча бор таъкидлаганидек: «бизнинг бош мақсадимиз — умумий сайъ-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат».

Айни пайтда энг долзарб ва ўткир муаммолардан бири — қўшни Афғонистондаги низомни ҳал қилмасдан туриб олдимизда турган мақсадларга эришишни иложи йўқ, чунки у тарихий ва геосийсий жиҳатдан минтақамизнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш — Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва тараққиёти кафолатидир. Самарқанддаги халқаро анжуманда сўзга чиқар экан, Ўзбекистон Президенти хавфсизлик таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «ялпи хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига тўғридан-тўғри даъват қилди.

Тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўлини таъминлаши, Ҳиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин.

Шу муносабат билан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишнинг асосий масалалари бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсусни тасдиқлаш, мамлакатда миллий ярашув бўйича афғонистонликлар раҳбарлигида ва уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан амалга ошириладиган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон доимо Афғонистондаги вазиятни сиёсий жиҳатдан тартибга солишни қатъий тарафдори ҳисобланган ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз қўшни давлатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу жиҳатдан Шавкат Мирзиёев томонидан Афғонистон билан ҳамкорликда жорий йилнинг 26-27 март кунлари Тошкент шаҳрида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясини ўтказиш ташаббусининг илгари сурилиши Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича умумий стратегиясининг ажралмас бўлаги ҳисобланади.

Мамлакатимиз афғон муаммосига бағишланган дярли барча халқаро форумларда фаол иштирок этмоқда. «Кобул жараёни», «Москва формати», «Осиё юраги — Истанбул жараёни» форуми, Афғонистон бўйича халқаро алоқа гуруҳи, «ШҲТ — Афғонистон» алоқа гуруҳи, Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси шулар жумласидандир.

19 январь кунини Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилиши давомида Ўзбекистон ва Афғонистон томонидан Тошкент форумининг қўшма тақдими ташкил этилди.

Тошкентдаги конференция 28 февраль кунини Афғонистон пойтахтида ўтган «Кобул жараёни»нинг иккинчи йиғилишидан сўнг бўлади ва халқаро ҳамжамият томонидан ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича амалга ошириладиган сайъ-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлади.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислам Республикаси Президенти Ашраф Ғани сўзга чиқадилар.

Тошкент учрашувида иштирок этиш учун БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш ва ташкилотнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати

бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, Хитой, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсий маҳкамалари раҳбарлари тақлиф этилган.

Форум иштирокчилари минтақавий ва глобал даражада тез орада Афғонистон ҳукумати билан «Толибон» ҳаракати ўртасида ҳеч қандай дастлабки шартларни илгари сурмасдан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш зарурияти ҳусусида умумий нуқтаи назар баён этилиши кутилмоқда.

Конференция якуни бўйича Тошкент декларациясини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, унда қуйидаги муҳим жиҳатлар ўз аксини топиши кўзда тутилмоқда:

Биринчидан, тинчлик жараёни афғонистонликларнинг беvosита раҳбарлиги ва уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари ва қарорлари низомларига мувофиқ амалга ошиши керак;

Иккинчидан, қуролли муҳолифат Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига кафолатли интеграция қилиниши ва қонуний сиёсий куч сифатида эътироф этилиши тинчлик жараёнининг муҳим омил ҳисобланади;

Учинчидан, халқаро ҳамжамият терроризмнинг ҳар қандай шакли ва кўринишига қарши бўлиб, трансмиллий терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчилик таҳдидлари нафақат Афғонистон, балки умуман бутун минтақа ва жаҳоннинг барқарорлиги ва изчил тараққиётига умумий хавф саналишини эътироф этади.

Тошкент конференцияси арафасида, шунингдек, ҳамкорликнинг янги шаклидаги «Марказий Осиё + Афғонистон» (C5+1) биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу формат Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инфратузилма алоқалари тизими муваффақиятли интеграцияси, умумминтақавий микдосдаги аниқ лойиҳа ва дастурларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Тошкент конференцияси ҳақидаги ташаббусни илгари сурар экан, Ўзбекистон уни бир марталик тadbир сифатида ўтказиш билан чеклиниб қолмай, ундан кейин ҳам икки ва кўп томонлама муносабатлар доирасида Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасидаги сиёсий жараёнга кўмаклашишга ўз ҳиссасини қўшишда давом этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий стратегиясини амалга ошириш асносида Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ечиш бўйича сиёсий жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бу жараёнда асосий роль ва жавобгарлик ўз мамлакатига келажакни белгилаши ва қуриши керак бўлган афғонистонликларнинг зиммасида эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

Тошкент конференцияси олдида турган юксак мақсадлар, шунингдек, унинг ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари, ШҲТга аъзо давлатлар ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар, жумладан, Марказий Осиёнинг бешта мамлакат иштирок этиши бутун дунёда форум ишига катта қизиқиш уйғотмоқда. Тadbирни ёритишда қатнашиш учун жаҳон оммавий ахборот воеиталари вакилларининг катта гуруҳи таширф буорили кутилмоқда.

Ўзбекистон пойтахтидаги халқаро учрашув якунлари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг изчил ривожланиши учун шароит яратиш йўлидаги муҳим босқич бўлиб, афғон халқининг фаровонлигини ошириш ва уни минтақа ва умуман бутун дунёдаги бунёдкорлик жараёнига жалб этишга хизмат қилишига умид қиламиз. Тошкент форумининг муваффақиятли минтақа давлатларининг тинчлик ва тараққиёт учун кенг имкониятлар эшигини очган ҳолда, биргаликдаги сайъ-ҳаракатлар билан умумий муаммоларни ҳал этишга қодирлигини намойиш қилиши даркор.

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи ишлар вазирилик  
Матбуот хизмати

МУНОСАБАТ

Маънавиятсиз одам дабдабага ружу қўяди

Ҳаётимиз қандай бўлиши ўзимизга боғлиқ



Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Тўйлар азалий анъанамиз, миллий қадриятларимиздан бири ҳисобланади. Бир-биримизга эзгулик тиласак, яхшилик соғинсак, «Бошингиз тўйдан чиқмасин», деб ният билдирамиз. Тўй — хурсандчилик, қувонч демекдир. Тўй — яхшилик, тинчлик, осойишталик, меҳр-муҳаббат рамзи. Бу миллий қадриятимиз катта тарбиявий аҳамиятга эга. Иzzат-ҳурмат, меҳмондўстлик, дуо олиш, эзгу ишларга ундаш, мушоира, айтишувлар шу кунга намоян бўлади. Тўй — аслида бахтга замин. Аммо баъзи тўйлар қувонч эмас, гамташвиш келтирилади. Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келди.

миз лозим. Ҳамма нарсада бўлганидек, тўйда ҳам меъёрга амал қилиш зарур. Акс ҳолда, нохушликлар юзага келиши мумкин. Депутатлар сайловчилар билан жойларда учрашувлар ўтказамиз. Хонадонларга кириб боряпмиз. Баъзан «элдан кам бўлмай», деб бор-йўғини бир кунда сочаётган юртдошларимиз билан рўбарў келяпмиз.

Бир аёл боласини ўзи тарбиялаб, на-бирасига ёрдам пули ололмаётганидан шикоят қилиб мактуб ёзган эди. Хонадонига бордик. Она 37, ўғил 18 ёшда. Келин 17 га тўлиб-тўлмаган, қўлида чилласи чиқмаган чақалоқ. На кизнинг, на йигитнинг бирор хунари бор. «Эртароқ турмуш қуришибди-да?», деган саволимизга хонадон бекаси куйидагича жавоб берди: «Шундай бўлиб қолди-да. Ору-ҳавас деганларидек. Уйимизни сотиб, тўй қилдик. Қўлимизда куч, белимизда қувват борлигида фарзимизни бажаришни истадик...»

Мен эса ўзимга савол бераман: нега фарзандингиз ўқинини, бирор касб ёки хунар эгаси бўлишини ҳавас қилмадингиз? Унинг ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши ҳамма нарсадан айниқса, хашаматли тўй, ҳали тушуниб қадрига етмаган оиласидан устунроқ эмасми? Наҳот, шу қадар мудрокмиз?..

Маънавий уйғонмасак, гафлатда қолаверамиз. Тўй бизнинг маънавиятимиздан дарак беради. Эртани ўйламасак, кўрпага қараб оёқ узатмасак, ҳеч ким бўлмай ўтаверамиз. Кимдандир андоза олиб, ким ўзарга дастурхон ёзиш охири-оқибатда қарзга ботиради, оилани оғир аҳволга солади. Катта дангиллама тўй бахтга қафолат бўлганини ким кўрибди?.. 70 йилга етadиган сеплар билан оилада ким қадр топибди?.. 7 эмас, 70 маҳаллага доврғи етadиган тўй қилиб, 40 қозон ош дамлаб, таркатган киши яхши одам бўлади, деган қоида ҳеч қаерда ёзилмаган ва унга ҳеч ким раҳмат айтмайди.

Катта тўй қилиб ҳеч ким обрў топмаган. Лекин фарзанд тарбиясига эътибор қаратиб, уни қонил инсон этиб тарбиялаган ота-она ҳаммиса олқишга сазовор бўлган. Эл қорига ярайдиган, ақлли, билимли фарзанд тарбиялаган ота-онага ҳамма ҳавас қилган, ҳамма раҳмат айтган.

Уйимизда, кўнглимизда, ҳар кун тўй бўлиши учун фарзандимиз тарбиясига эътибор қаратайлик. Ахир қонил фарзандга ота-она бўлишдан ортқ ҳам бахт борми? Ҳеч кимдан кам бўлмайлик, бир умр ғурурланиб юрайлик, десак, катта тўй қилиш эмас, яхши фарзанд тарбиялашимиз керак.



Иба НАРИЗОВА, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Давлатимиз раҳбари 2 март кун тўйларимизда бўлиб, ҳудуддаги ҳаёт тарзи, амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишгани одамларнинг кайфиятини кўтарди, ҳаммамизни мамнун қилди.

Томди туманидаги учрашувда мен ҳам фикрлар қалбимизни тўлқинлантirdи.

Томди туманидаги учрашувда мен ҳам фикрлар қалбимизни тўлқинлантirdи. Қувонарлиси, шу кунга қадар Томди, Учқудук ва Нурота туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган 3 қарор қабул қилинди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истиғиди бўлган ушбу ҳудуддаги фуқаролар 10 йил давомида барча турдаги солиқлардан озод этилди.

Томди тумани вилоят марказидан қарийб 300 километр олинса, Қизилқумнинг бепоён кенгликлариде жойлашган. Ҳудуд одамларини бир неча йиллардан буюн тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб келар эди. Учрашувда мазкур масала ўртага ташланди. Ушбу муаммони тез фурсатда ҳал қилиш юзасидан мутасаддиларга топширик берилди.

Чўл ҳудудида яшовчи болаларни соғлом, билимли қилиб тарбиялаш муҳим

Томди тумани вилоят марказидан қарийб 300 километр олинса, Қизилқумнинг бепоён кенгликлариде жойлашган. Ҳудуд одамларини бир неча йиллардан буюн тоза ичимлик суви муаммоси қийнаб келар эди. Учрашувда мазкур масала ўртага ташланди.

масала экани таъкидланди. Томди, Учқудук, Қонимех ва Зарафшон ёшлари учун замонавий кутубхона бунёд этилиб, улар ихтиёрига 4 та «Isuzu» русумли автобус бериладиган бўлди. Учқудук туманида эса замонавий мактабгача таълим муассасаси қурилиши айтилди. Фарзандларимизнинг бахту қамолли ватан тақдирини билан чамбарчас боғлиқлиги, уларнинг таълим-тарбияси устувор масала экани сўзда эмас, амалда ўз тасдиғини топяпти.

Шунингдек, аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммолар ҳам босқичма-босқич ҳал этилади. Масалан, Зарафшон шаҳрида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси, қарийб 2 минг бош қорамолга мўлжалланган комплекс, музлаткичи омборхоналар қурилиши, балиқчилик хўжалиги, иссиқхоналар ташкил қилиниши юзлаб, балки минглаб иш ўринлари яратилишидан далолатдир.

Учрашувлар чоғида ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, янгиликлар жорий этилиши таъкидланди. Одамларнинг қалбига ишонч, дардига малҳам бўлувчи истиқболли режалар ҳақида сўз юритилди.

Ҳам она, ҳам халқ вақили сифатида ушбу эътибордан бошим кўкка етди, яшаётган ҳудудимизни ривожлантириш кўпроқ ўзимизга, бугунги ҳаракатларимизга боғлиқ эканини тушундим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Илҳом САТТОРОВ ёзиб олди.

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИ

Коммунал соҳа ходимлари кунини белгиланадими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП йиғилишида бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасига алоҳида эътибор қаратишди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

— Касб байрамларини нишонлаш яхши анъанага айланиб борапти, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳмад Аҳмедов. — Турли соҳа ходимларининг меҳнатини рағбатлантиришда бунинг аҳамияти катта. Касб байрамлари тарихи ва халққо тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, қатор хорижий давлатларда коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ташкил этилган кун, яъни 18 апрелни соҳа ходимлари кунини этиб белгилаш тақлиф қилинмоқда.

Маълумки, партияимиз дастурида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш масаласи алоҳида ўрин олган. Садқот билан бажарилган меҳнатнинг рағбатлантирилиши соҳа ходимларининг касбига нисбатан масъулият, меҳрини оширади, деб ўйлаймиз. Шунинг учун фракцияимиз ушбу тақлифни қўллаб-қувватлайди.

Йиғилишда «Автомобиль йўллари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қонун лойиҳасининг моҳияти ҳамда мақсоди ҳусусида атрофда маълумот берилди. Қайд этилишича, лойиҳада юртимизда йўл хўжалигини бошқариш билан боғлиқ ваколатлари аниқ белгиланган, йўлларни қуриш, лойиҳалаш соҳасидаги меъёр ва стандартларга риоя этишни таъминлаш масалалари камраб олинмапти. Йўл қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш, автомобиль йўлларида фойдаланиш тартибларини белгилаш ҳам назарда тутилмоқда.

— Асосий ўзгаришлардан бири автомобиль йўллари давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат орган сифатида белгиланмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Унинг ўзини-ўзи 180 минг километргача бўлган автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойиҳалаштириш вазифаси юклатилмоқда. Шу билан бирга, қуриш ва фойдаланиш жараёнига комплекс ёндашиш асосида йўл хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, соҳада тўлақонли буюртмачи хизматини яратиш назарда тутилмапти. Махсус ваколатли давлат органининг асосий вазифалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ваколатлари аниқлаштирилмоқда.

— Қонун лойиҳаси қатор қўшимча ва ўзгаришларни камраб олмақда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Зулайхо Ақромова. — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ваколатлари киритилмоқда. Фракцияимиз фикрича, бу жуда муҳим. Ҳеч биримизга сир эмаски, маблагларни ўзлаштириб юбориш масаласи йўл қурилиш соҳасига беғона эмас. Бунинг оқибатида таъмирланган ёки янги қурилган йўллар кўп ўтмай яроқсиз холга келиб қолаётганини кўпчиликка аён. Алоҳида назорат органи ташкил этилиши ана шундай қўнғилисиз ҳолатларнинг қамайишига хизмат қилади, деб ишонамиз.

Фракция йиғилишида бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2017 йил 4 март, № 28-сонда берилган эълондаги «O'ZELEKTRTARMOQ» унитар корхонасининг «MARKAZIY MAGISTRAL ELEKTR TARMOQLARI» корхонаси балансидаги д/р 01/762ACA бўлган «КАМАЗ-5320» русумли автотранспорт воситаси, ушбу шаклнинг 2018 йил 21 февралдаги 43-14/413-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси Наргиза Саидовага онаси Холлада НАЗАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

ИСЛОҲОТЛАРГА ДАХЛДОРЛИК ТҮЙҒУСИ БИЛАН

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Ватан, жамият олдидаги масъулиятини ошириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши қошидаги «Ёшлар Парламенти» депутатлигига бўлиб ўтган сайловлар ҳам айнаи мақсаларни қўзғаш билан аҳамиятлидир.

«Ёшлар Парламенти» депутатлигига Тошкент шаҳридаги олий таълим даргоҳларидан 93 нафар талаба ўз номзодини қўйди. Сайлов участкалари сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган бир қатор ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаси танлаб олинди, уларда коллежларнинг ўттиз беш минг нафар ўқувчиси сайловчи сифатида иштирок этди.

«Ёшлар Парламенти» депутатлигига сайлов кампанияси жорий йилнинг 7 февралдан эълон қилинган бўлиб, 17 февралдан 1 марта қадар сайловолди тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Шуни таъкидлаш керакки, 2017 йили пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ёшлар саммити — 2017»нинг 36 нафар ғолиби «Ёшлар Парламенти» нинг дастлабки депутатлари бўлиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Жорий йилнинг 3 март кунини эса «Ёшлар Парламенти» аъзоларининг сафи янада кенгайди. Бўлиб ўтган сайловларда 34 нафар йигит-қиз депутатликка сайланди. Улар ўзлари сайланган ҳудуддаги ёшларга оид ижтимоий, маърифий долзарб масалаларни ўрганиши, уларни барараф этиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар тайёрлашда фаол ҳисса қўлиши кўзда тутилган.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ТАДБИР КЎП, НАТИЖА КАМ



Меҳрож ДАРХОНОВ, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси:

— Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши электротат манфаатларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу жараёнда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги 16 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларидаги 202 нафар депутатнинг аксарияти фаол иштирок этапти.

Ўтган йили вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларига электротат манфаатларига қаратилган 50 дан ортқ депутатлик сўрови билан мурожаат этган. Ҳафтанинг пайшанба, жума ва шанба кунлари депутатлар ўзлари сайланган округларда фуқароларнинг мурожаатлари билан шуғулланмоқда.

Масалан, Тошкент вилоят Кенгашидаги партияимиз гуруҳи аъзоси Зокиржон Нуров Паркент туманидаги «Чўққайма» маҳалласида аҳоли билан мулоқот ўтказди. Мурожаат асосида 1981 йилда туғилган Элёр Азизбеков оиласининг турмуш шароити ўрганилди. Унинг кичи нафар фарзанди ҳам хаста. Катта қизи буйрак етимишаслиги, кичик фарзанди эса гепатит С вирусини билан оғриган. Уларнинг онаси Гулмира Азизбекова ҳам буйрак етимишаслиги касаллигидан етти йилдан буюн азият чекади. Даволаниш учун катта харажат, маблағ керак. Албатта, оилани боқиб Элёр Азизбеков гарданида. Қарийб икки йил давомида у туман газ корхонасида ишлаб, оиласини боқиб келган. Аммо Паркент тумангаз унитар корхонасида штатлар қисқаргани боис, 2017 йил 13 сентябрда ишдан бўшатилган. Элёр рўзгор тебратилишга қўйналиб қолган. Масалага ечим топиш юзасидан Тошкент вилоят ҳамда туман газ корхонасига мурожаат билан чиқилди. Натияжада Элёр Азизбеков ишга қайтадиган бўлди.

Ҳар бир депутат партия электротат вакиллари манфаатини самарали ҳимоя этиш учун уларни ташвишга солаётган масалаларни чуқур билиши керак. Бу борада ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим ўрин тутаяпти. Утган йили қабулхоналарга мингдан ортқ мурожаат келиб тушган бўлса, уларнинг 85 фоизи ижобий ҳал этилган. Қўлланари бўйича тушуниришлар берилган.

Тўғриси, бугунги фаолиятимиздан ўзимизнинг кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Камчиликларимизни тузатишга, баландпарвоз гаплардан қочиб, амалий ишларимизни кўпайтиришга ҳаракат қилапмиз.

Айни пайтда электротат орасида олиб борадиган тарғибот-ташвиқот ишларимиз ҳам мураккаб ўзгарди. Асосий эътиборни муаммолар ечимига қаратмоқдамиз. Масалан, «Ҳар бир инсонга меҳр ва мурувват кўрсатиш — бурчимиз», «Ижтимоий ҳимоядан ижтимоий фаоллик сари», «Доимо эътиборимизда» — «Халқ билан мулоқот — ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўли» лойиҳалари орқали зўтлөж-манд аҳоли манфаатлари ҳимоя қилинапти. Лойиҳа доирасида барча шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда партия гуруҳлари билан биргалликда ногиронлиги бўлган шахсларни протез, махсус аравачалар билан таъминлаш, уларнинг турар жой ва маъмурий биноларга қириб-чиқиши, жамоат транспортларидан тўсиқсиз фойдаланиши учун пандуслар, платформалар қуриш каби масалалар атрофича таҳлил қилиниб, ўрганилмоқда. Мазкур масалалар партия гуруҳлари, доимий комиссия йиғилишлари ҳамда сессияларда кўриб чиқилди.

Яқинда «Ҳар бир инсонга меҳр ва мурувват кўрсатиш — бурчимиз» лойиҳаси доирасида Охангарон ва Олмалик шаҳарларида кенг камровли тадбирлар ўтказилди. Ҳомийлар кўмағида икки юз нафар кам таъминланган, ногиронлиги бўлган шахсларга совғасомлар улашилди. Шунингдек, тумандаги Саховат уйи фаолияти ўрганилди. Муассасанинг иккинчи бўлими капитал таъмирланимоқда. 2017 йилнинг июнь ойида

фойдаланишга топширилиши керак бўлган бўлимда айни пайтда таъмирлаш ишлари тўхтаб қолган. Ҳозир бунинг сабабларини ўрганапмиз.

Шунингдек, Мурувват уйидаги шарт-шароит билан ҳам танишилди. Муассаса 350 ўринга эга бўлиб, унга 18 ёшдан қабул қилинади. Бино 2013 йилда реконструкция қилинган. Бинога иссиқлик қувватини етатиб берадиган қувурларнинг эскирганини боис, қиш мавсумида иситиш тизимида муаммолар кузатилган. Хоналар совуқ. Психиатр, невропатолог каби мутахассислар етишмайди. Беморлар бир йилда икки марта табибий қўрққан ўтишади. Агар беморларни Республика табибиёт муассасаларида текширишга муҳтожлик бўлса, транспорт воситасидан қийналишади. Махсус автотранспорт воситалари мавжуд эмас. Борлари ҳам таъмирга муҳтож. Муассасада машгулотлар ўтатиш учун спорт инвентарлари етишмайди. Мазкур масалаларга ечим топиш мақсадида мутасаддилар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Тўғриси, бугунги фаолиятимиздан ўзимизнинг кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Камчиликларимизни тузатишга, баландпарвоз гаплардан қочиб, амалий ишларимизни кўпайтиришга ҳаракат қилапмиз. Бу борадаги фаолиятимизни яқинда партияимизнинг IX пленумида билдирилган танқидий фикрлар, белгилан берилган вазифалардан келиб чиқиб, йўлга қўямиз.

## МУНОСАБАТ

## «АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР, ҲАР КУНИНГИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!»

Тоҳир МАЛИК,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Давлатимиз раҳбарининг бу йилги Наврўз байрамини мамлакатимизда умумхалқ сайили сифатида кўтаринки руҳда ўтказиш ҳақидаги қарорида юқорида келтирилган ана шундай ғоя мужассам, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик. — Бу бежиз эмас. Чунки қарорда таъкидланганидай, **Она табиати севиш ва ардоқлаш, ҳаёт гултожи бўлмиш инсонни кадрлаш, Ватанга муҳаббат ва садоқат каби эзгу ғояларни ўзида мужассам этган Наврўз халқимизнинг энг қадимий, асл миллий байрамидир.** Она табиат биз учун ризқ-рўз, тириклик манбаи. Деҳқончилик мавсумининг бошланиши ҳам Наврўз шодиёналари билан боғлиқ. Шундай экан, биз табиат қонунларини ҳисобга олган ҳолда муқаддас заминимизнинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишимиз, халқимиз фаровонлиги йўлида ҳозирги даврда бутун дунёда қўлланилаётган инновацион ғоялар асосида унинг унумдорлигини оширишимиз лозим.

Наврўз — аввало, энг қадимий байрам сифатида кекса-ю ёшни бирлаштиради, асл миллий қадриятларни ўзида ақс эттиради. Турли ёшдаги инсонлар бир-бири билан мулоқотда бўлади, бир-бири билан дийдорлашади, каттага ҳурмат, кичikka иззат кўрсатилади. Бу ўзига хос тарбия, асрлар оша ота-онадан ўғил-қизга, бобо-момолардан неваря-эвара онгига сингдирилади. Дастурхонга баҳорнинг тансиқ таомлари — сумалак, ҳалим, гўжа ва кўк сомса каби ноз-неъматлар тортилади. Ҳамма Наврўз қувончларини бир-бири билан баҳам кўради.

Ҳаволар сал юмшаши билан кўча-кўйларда, маҳалла ва қишлоқларда кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари юришиб кетди. Ерданга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб, савоб ишлар, хайрия тadbирлари ва оммавий хашарлар ўтказилмоқда. Меҳр-мурувват, озодаликка нима етсин...

**Қарорда инсон ҳаёт гултожига қийсангани бежиз эмас.** Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган тизимли ислохотлар туфайли ҳар бир раҳбар оддий халқ ташвиши билан яшашни фаолиятининг мазмунига айлантириши керак, деган вазифа қўйилди. Мудроқлик кайфиятидаги раҳбарлар ўрнига одамларнинг дардига малҳам бўлиб, уларнинг муаммоларига ечим топишни кундалик вазифаси деб биладиган кишилар келмоқда. Бундай эътибор қачон бўлган?

Ҳозир юртимизнинг энг чекка ва олис ҳудудларида яшаётган фуқароларнинг муаммолари иложи борича жойида ҳал этилмоқда, бу эса уларнинг илгари бюрократия ниқобини ўзига қалқон қилиб олган маҳаллий ҳокимиятга нисбатан сўнган ишончини яна тиклашга шароит яратмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўртага ташланган — «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади», деган широрлардан кўзланган мақсад — «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга эканини ифода этади.

Модомики, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишдан иборат экан, бу ғоя Наврўз тadbирлари билан уйғунлашиб, миллии ҳамда эътиқодидан қатъи назар, юртимизда яшаётган инсонларни жиқлаштирилади, бирлаштирилади ва ўзаро меҳр-оқибатни кучайтиради, дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Наврўзда деҳқонларимиз экин-тикин ишларига киришади, чорвадорларимиз дала-даштга сурувини ёяди.

Ҳозирги кунга келиб, фермер том маънода ҳақиқий ер эгасига, мулкдорга айланди, тadbиркорларимизга барча эшиклар ланг очилди. Янги инновацион ғоялар, хорижий технологиялар ишлаб чиқаришга жорий этилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг беқиёс эътибори, ғамхўрлиги халқимизнинг орзу-умидларига қанот бахш этмоқда. Кўзланган мақсадлар юртимиз тинчлигига, халқимиз, шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсоннинг турмуш тарзи яхшиланишига, фаровонлигига қаратилган. Бу йилги Наврўз халқимиз томонидан ана шундай ишчанлик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олинапти.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.



## «Асака» банк жамоаси

*Юртимизнинг барча аёлларини, онажонларини ва она-сингилларини*

### 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан табриклайди!

**Байрам муносабати билан куйидаги мuddатли омонат турларини тақриф этамиз:**

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:	ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:
«ФАОЛ ТАДБИРКОР»	«МАДАД» (АҚШ долларида)
«ҚАДРИЯТ»	«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)
«БАРАКАЛИ»	«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (ЕВРОда)

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 22 ва хорижий валютада 11 турдаги қулай шартларда омонатларни тақриф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
(0371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

**«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

# «КОГОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ»

акциядорлик жамияти жамоаси

## юртдошларимизни Наврўзи олам билан муборақбод этади.




**Наврўз барчамизга қувонч ва шодлик, бахт ва барака олиб келсин!**

## O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:

O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	

Qabulxona — 233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 338. 14236 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 02:25.  
Topshirilgan vaqti — 04:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
Ravshan SHODIYEV  
Sahifalovchi-disturchilar:  
Zafar BAKIROV  
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5